

“TOSHKENT ISSIQLIK MARKAZI” МЧЖ молиявий - хўжалик фаолияти якунлари
бўйича Ижрочи орган – Директорнинг 2023 йил 1 чораги бўйича Ҳисоботи

“TOSHKENT ISSIQLIK MARKAZI” МЧЖ Тошкент шаҳридаги иссиқлик энергиясини ишлаб чиқарувчи асосий корхона бўлиб, шаҳарнинг 75% эҳтиёжини коплайди. «Veolia Energi Tashkent» ЯТ МЧЖ корxonанинг улгуржи харидори ҳисобланади ва ўз навбатида Тошкент шаҳри аҳолисига ҳамда бошқа истеъмолчиларга иссиқлик энергиясини реализация қилади.

1.1. Ташкил этилган йили – 1969 й., Қайта ташкил этилган сана – 01.07.2001 й. ОАЖ га, 23.12.2016 й. "Toshkent issiqlik markazi"ДУК га.

Тошкент шаҳар ҳокимияти Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бош бошқармасининг 2023 йил 23 январдаги Б-11-сонли буйруғи ҳамда Тошкент шаҳар Ҳокимининг 2023 йил 20 январдаги 13-сонли 38-14-0-Қ/23-сонли Қарорига асосан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 13 январдаги «Тошкент шаҳри марказлашган иссиқлик таъминоти корхоналарини фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги 13-сонли қарорини ижросини таъминлаш мақсадида «Toshkent issiqlik markazi» Давлат унитар корxonаси қайта ташкиллаштириш шаклида «TOSHKENT ISSIQLIK MARKAZI» Масъулияти чекланган жамиятга ўзгартирилган. Таъсисчиси - Тошкент шаҳар ҳокимияти Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бош бошқармаси. 2023 йил 30 январдан бошлаб янги ташкил этилган юридик шахс - «TOSHKENT ISSIQLIK MARKAZI» Масъулияти чекланган жамиятга қайтадан ташкиллаштирилган юридик шахс «Toshkent issiqlik markazi» Давлат унитар корxonасининг барча ҳуқуқ ва мажбуриятлари ўтади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 13 январдаги «Тошкент шаҳри марказлашган иссиқлик таъминоти корхоналарини фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги 13-сонли қарори, Тошкент шаҳар ҳокимининг 2023 йил 20 январдаги 38-14-0-Қ/23-сонли қарори, шунингдек ягона таъсисчиси Тошкент шаҳар ҳокимияти Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бош бошқармасининг 2023 йил 23 январдаги «TOSHKENT ISSIQLIK MARKAZI» МЧЖни таъсис этиш тўғрисидаги Б-11-сонли буйруғига, «TOSHKENT ISSIQLIK MARKAZI» МЧЖни «Иссиқлик электр станциялари» АЖга топшириш ва қабул қилиш далолатномалари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат Активларини бошқариш агентлигининг 2023 йил 15.02.даги 14-сонли буйруғига мувофиқ 2023 йил 6 март куни «TOSHKENT ISSIQLIK MARKAZI» МЧЖ «Иссиқлик электр станциялари» АЖ таркибига киритилди. Таъсисчиси «Иссиқлик электр станциялари» АЖ (100%).

2023 йил 6 март кунидан бошдаб Жамият 2023 йил 30 январда янгидан ташкил этилган «TOSHKENT ISSIQLIK MARKAZI» масъулияти чекланган жамиятнинг ҳуқуқий вориси бўлиб ҳисобланади.

2023 йил 31 мартдан бошлаб Жамиятнинг ягона таъсисчиси «Иссиқлик электр станциялари» АЖ 2023 йил 24 мартдаги Қарори, Ўзбекистон Республикасининг «Масъулияти чекланган ҳамда кўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида»ги қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 23 февралдаги йиғилиш баёни ва 2023 йил 14 мартдаги Фармойишига мувофиқ «TOSHKENT ISSIQLIK MARKAZI» МЧЖ Устав фондидаги 35% улуши «O'ZBEKENERGOTA'MIR» АЖга сотилган.

1.2. Таъсисчиси – «ISSIQLIK ELEKTR STANSIYALARI» АЖ (65%) ва «O'ZBEKENERGOTA'MIR» АЖ(35%)

1.3 Бошқарув органлари: Яккабошчилик асосидаги ижро этувчи орган – Директор – Султонов Ш.Р.

1.4. Манзил: Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек тумани, п/б 164

1.5. Веб-сайт – www.tashteplocentral.uz,

1.6. Электрон почта манзили - TIM@tpp.uz

1.7. Банк реквизитлари – «Ипотека-Банк» шаҳар филиали, МФО - 00419, ИНН 200524323, х/р 2020 8000 8001 1784 8001

1.8. 2023йил 1 чорақда ишлаб чиқариш қувватларини ишлатиш коэффициенти – 30.

Жамият ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституциясини Ўзбекистон Республикаси қонунларини, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис палаталари қарорларини ва бошқа қонун ҳужжатларини, Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорлари ва фармойишларини, Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати қарорларини ва бошқа норматив қонун ҳужжатларини қўллайдди.

2. Умумий таснифи ва ишлаб чиқариш фаолияти.

“TOSHKENT ISSIQLIK MARKAZI” МЧЖнинг асосий ва ягона ишлаб чиқариш фаолияти Тошкент шаҳри аҳолисини ҳамда бошқа истеъмолчиларни иссиқлик энергияси ва иссиқ сув таъминоти бўйича эҳтиёжларини қондиришга қаратилган. Жамиянинг асосий фаолият тури бўлиб иссиқлик энергиясини ишлаб чиқариш ҳисобланади.

“TOSHKENT ISSIQLIK MARKAZI” МЧЖ таркибига тўққизта иссиқлик манбалари ва ёрдамчи цехлар қиради, булар: электроцех, ИАЎцеҳи, МТЦ, Гараж, темир йўлдан юкларни қабул қилиш участкаси.

Иссиқлик манбаларидаги сув иситиш қозонларини умумий миқдори 48 донани ташкил этади қозонларнинг ўрнатилган қуввати 4580 Гкал/соат ва буғ қозонларини миқдори 8 донани ташкил этади, уларнинг ўрнатилган қуввати 99 Гкал/соат, шу жумладан:

1-ИМ да 6та қозон – 500 Гкал/с	7-ИМда – 5та қозон – 400 Гкал/с
3-ИМда – 5та қозон – 400 Гкал/с	8-ИМда – 6та қозон – 300 Гкал/с, 2 та буғ қозони-9 Гкал/соат
4-ИМда – 12та қозон – 900 Гкал/с, 2та буғ қозони -30 Гкал/соат	9-ИМда – 5та қозон – 540 Гкал/с, 2та буғ қозони-30 Гкал/соат
5-ИМда- 8та қозон – 700 Гкал/с	10-ИМда – 5та қозон – 540 Гкал/с, 2та буғ қозони-30 Гкал/соат
6-ИМда – 4та қозон – 300 Гкал/с	

2023 йил 1 чорғида узатилган иссиқлик энергиясининг ҳажми 2885,8 минг.Гкални ташкил этди, 2022 йилдаги 3542,2 минг.Гкалга нисбатан, яъни 656,36 минг.Гкалга ёки 18,5% га кам, 3390,4 минг.Гкал ҳажмида режалаштирилган бизнес – режага нисбатан 504,56 минг.Гкалга ёки 14,9%га кам. 2022 йилга нисбатан иссиқлик энергиясини узатилишини пасайиши аномал совуқ об-ҳаво шароитлари туфайли табиий газ босимини пасайиши ҳамда узатиладиган иссиқлик энергиясини пасайиши, шунингдек иситиш мавсумини эрта якунланганлиги (2023 йил 11.03.) туфайли содир бўлди.

Тошкент шаҳар истеъмолчиларини иссиқлик энергияси билан таъминлаш шартномага асосан, улгуржи харидор – қайта сотувчи «Veolia Energi Tashkent» ХК МЧЖ томонидан топширилган параметрларга мувофиқ, амалдаги газ босимини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилмоқда. Корхонада иссиқлик энергиясини меъёрдан юқори бўлган йўқотишлар мавжуд эмас.

Иссиқлик энергиясини ишлаб чиқариш учун қуйидагилар сарф этилди:

Табиий газ – 381039,3 минг.м ³	ИОМС кислотаси – 55,3 тн.
Электр энергияси – 104912,4 минг.кВт.с	Сульфат кислотаси – 814,02 тн.
Совуқ сув – 35794,2 минг.м ³	Техник туз – 6620,4 тн.
Мазут – 8369,5 тн	

Жамиятда энергия самарадорлигини ошириш мақсадида “TOSHKENT ISSIQLIK MARKAZI” МЧЖ иссиқлик энергиясини ишлаб чиқариш учун энергоресурслар сарфини пасайтириш бўйича чора – тадбирлар ишлаб чиқилган, мазкур чора – тадбирларни амалга ошириш натижасида 2023 йилнинг 1 чорағида ҚҚСсиз 270,4 млн.сўмлик 691,2 минг.кВт.с электр энергиясини иқтисодига эришилди.

Натижада шартли ёқилгининг солиштирма сарфи 158,3 кг/Гкал режага нисбатан 153.5 кг/Гкални ташкил этди, яъни 3%га кам, электр энергиясининг солиштирма сарфи 35.9 кВтч/Гкал режага нисбатан 36 кВтч/Гкални ташкил этди, яъни 0,3%га кам.

Ҳозирги кунда “TOSHKENT ISSIQLIK MARKAZI” МЧЖ тасарруфидаги барча иссиқлик марказларида қуйидаги Автопилот русумидаги (13 та) газ, СВТУ-10М русумидаги (16та) иссиқлик энергияси, Евроальфа русумидаги (26 та) электр энергияси ва СВТУ-10М русумидаги (19 та) совук сув ҳисобини юритишнинг замонавий усқуналари ўрнатилган. Усқуналарни ишлатиш муддати яқунланганлиги сабабли, заруриятга қараб янги модификациядаги усқуналарга босқичма – босқич алмаштириш ишлари амалга оширилмоқда.

3. Асосий воситалар

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 30.12.даги ПҚ-4938-сонли қарорининг 9-бандига мувофиқ 2021 йил 1 январдан бошлаб барча хўжалик юритувчи субъектлар учун асосий фондларнинг ҳар йиллик мажбурий қайта баҳолаш тартиби бекор қилинган, шу сабабли “TOSHKENT ISSIQLIK MARKAZI” МЧЖда 2023 йил 01.01. ҳолати бўйича қайта баҳолаш ишлари ўтказилмади.

2023 йил 01.01. ҳолатига “TOSHKENT ISSIQLIK MARKAZI” МЧЖ асосий воситаларининг қиймати 171 848 млн.сўмни, эскириш қиймати 119 550 млн.сўмни ҳамда асосий воситаларнинг қолдиқ қиймати 52 298 млн.сўмни ташкил этмоқда.

2023 йил 1 чорагининг якуни бўйича асосий воситаларни ишга туширилиши 631 млн.сўмни ташкил этди, шу жумладан: 5-ИМда 3-КСТ кислота саклаш баки (КСБ), кубический резервуар, ТРК (колонка) ва бошқалар. 1 869 млн.сўмлик асосий воситалар чиқариб ташланган, шу жумладан: САРТИВА ва LACETTI автомашиналари – 2 дона (даставвал беғараз бериб юборилган мулкни қайтарилиши), КСБ, шунингдек асосий воситаларни баланс орти ҳисобига ўтказилиши.

Натижада 2023 йил 01.04. ҳолатига асосий воситаларни қиймати 170 610 млн.сўмни ташкил этди. Қолдиқ қиймат 50 732 млн.сўмни ташкил этмоқда. Асосий воситаларни эскириши 70,3% ва ишчи ҳолатда ушлаб туриш учун қўшимча сармоя талаб этилади.

4. Жамият тасарруфидаги иссиқлик марказларини 2023 -2024 й.й. КҚМ тайёрлаш

2022-2023 й.й. иситиш мавсуми талофатларсиз ўтказилди, Тошкент шаҳар Ҳокимининг 2022 йил 10.03.даги «Тошент шаҳрида 2022-2023 йилдаги иситиш мавсумини яқунлаш тўғрисида»ги 188-14-0-Q/23 –сонли Қарорига мувофиқ иситиш мавсуми 2022 йил 11 апрель куни яқунланди. Иссиқлик марказлари топширилган режим асосида ишламоқдалар.

Жамият томонидан ««TOSHKENT ISSIQLIK MARKAZI» МЧЖ 2023-2024 й.й. КҚМга тайёрлаш бўйича чора – тадбирлар дастури» ишлаб чиқилган ва таъсисчи томонидан тасдиқланган. Тасдиқланган иш режасига мувофиқ қуйидаги ишлар амалга оширилади:

- қозонларнинг иситиш юзасини капитал таъмирлаш (3,4,5,7,8,10- ИМ) – 7 дона
- қозонларнинг жорий таъмири (1,3-10 - ИМ)– 56 дона
- 1,3-10 - ИМда насос агрегатларининг капитал ва жорий таъмири– 239 дона
- 3,5-ИМларда қувурлар ва ёрдамчи усқуналарнинг иссиқлик саклаш қопламаларининг капитал таъмири – 2000 м².
- 5,6,8-ИМларда қозон дудбуронларининг коррозияга қарши қопламаларини янгилаш– 3 дона
- 1-ИМ қайта тикланувчи энергия манбаларини жорий этиш (қуёш панеллари) – 25кВт
- 6,7-ИМларда қайта тикланувчи энергия манбаларини жорий этиш (қуёш коллекторлари) – 2 дона
- бакларни капитал таъмирлаш – (5-ИМ) – 1 дона
- сульфат кислотаси баки №6 –(5-ИМ)-1 дона
- қозон дудбўронини алмаштириш – (5-ИМ) – 1 дона
- 1-ИМ насос агрегатларини алмаштириш– 3 дона
- барча ИМда ВПУ максимал юкламаларни ташиш учун тайёрлаш
- 3,4,5,7- ИМ филтрларни ички коррозияга қарши қопламаларини тиклаш йўли билан капитал таъмирлаш– 4 дона.
- филтрларга сулфоуголь юклаш – 10 тн.

- филтрларга КУ-2 (пыуролайт) юклаш – 10тн.
- Куйидагилар захирасини тузиш
- туз – 2500 тн
- сульфат кислотаси – 300 тн
- ИОМС – 30 тн

2023 йил 1 чорагида таъмирлаш ишларининг харажатлари 3 605 млн.сўмни, шу жумладан капитал таъмирлаш ишлари учун 2 663 млн сўмни ва жорий таъмирлаш ишлари учун 942 млн.сўмни ташкил этди.

Ускуналарни реконструкция қилиш харажатлари – 0 млн.сум.

Автомашиналарни харид қилиш – 0 млн.сум

Автомототранспорт воситаларини сақлаш учун (Гараж – 73 бирлик техника) - 1 013 млн.сум.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 16.06.2021 йилдаги ПФ-6247 сонли Фармони 1- илова 14-банди.

"TOSHKENT ISSIQLIK MARKAZI" МЧЖ тасарруфидаги иссиқлик марказларини 2023-2024 йиллар куз-киш мавсумига тайёрлаш вақтида бюджет маблағлари кўзда тутилмаган. Таъмир ишларини молиялаштириш манбаси – корхонанинг ўз маблағлари.

Иссиқлик марказлари ускуналарини иш ҳолатида сақлаб туриш ҳар йили мукамал таъмир ишларини бажариш йўли билан амалга оширилади (ҳозирги кунда қозонларнинг ФИК 90%дан кўпни ташкил этмоқда), лекин келгусида иктисодга эришишни фақатгина ишлаб чиқаришни модернизация, реконструкция ва янги асбоб – ускуналар билан таъминлаш ҳисобига амалга ошириш мумкин, мазкур ишлар учун мақсадли маблағлар лозим (иссиқлик марказлари 1969-1986 йиллар оралиғида ишга туширилган, 2023 йил 01.04. ҳолатига асосий воситаларни ишдан чиқиши 70,3% дан кўпни ташкил этмоқда).

5. Ишлаб чиқаришни модернизация қилиш

Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 14.03.даги 122-СМ-сонли Фармойишига асосан 3.5-ИМда мазут хўжалигининг қурилиши бошланган. Иш жараёнида ПТВМ-100 русумидаги 4 дона қозонларда модернизация ишлари амалга оширилади: иситиш юзасини 100% алмаштириш, янги 64-газ мазутли ёндиргич қурилмаларини ўрнатиш бўйича ишлар.

Молиялаштириш манбаси - «ISSIQLIK ELEKTR STANSIYALARI» АЖ ҳисобидан кредит маблағлари. Ишларни якунлаш муддати 2023 йил 01.10.га қадар.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 16.06.2021 йилдаги ПФ-6247 сонли Фармони 1- илова 3.32-банди.

2023 йилда "TOSHKENT ISSIQLIK MARKAZI" МЧЖ томонидан тўғридан – тўғри хорижий инвестициялар жалб қилинмаган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 16.06.2021 йилдаги ПФ-6247 сонли Фармони 1- илова 4-банди.

"TOSHKENT ISSIQLIK MARKAZI" МЧЖда мансабдор шахсларнинг хизмат сафарлари ва хориждан ташриф буюрган меҳмонларни кутиб олиш билан боғлиқ харажатлари мавжуд эмас.

6. Моддий – техник таъминот. Шартномавий – ҳуқуқий ишлар

2023 йилнинг 1 чорагида давомида хўжалик шартномалар тузилган, шу жумладан:

- иссиқлик энергиясини узатиш учун.
- табиий газни етказиб бериш учун
- электр энергиясини етказиб бериш учун
- сув таъминоти учун
- бошқа турдаги таъминотчилар билан (моддий – техник таъминот) умумий қиймати 34 514 млн.сўм бўлган 70 дона миқдорида
- пудратчи ташкилотлар билан умумий қиймати 17 165 млн.сўм бўлган 80 дона миқдорида.

Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги ЎРҚ-684-сонли «Давлат харидлари тўғрисида»ги Қонуни тасдиқланганлиги муносабати билан хом – ашё ва материаллар электрон магазин орқали харид қилинади - «TOSHKENT ISSIQLIK MARKAZI» МЧЖ давлат харидори сифатида белгиланган.

Жамиятда «Давлат харидлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонун талабларини таъминлаш тўғрисида»ги директор буйруғлари (2021 й.08.01.даги 13-сонли ва 2022 й. 29.03.даги 48-сонли) қабул қилинган бўлиб, мазкур буйруғларга мувофиқ барча турдаги харид жараёнлари белгиланган, харид жараёнларини ташкиллаштириш ва ўтказиш учун масъул шахс тайинланган ва харид комиссиясининг таркиби тасдиқланган.

2023 йилнинг 1 чорагида «TOSHKENT ISSIQLIK MARKAZI» МЧЖ томонидан қиймати 1 701 млн.сўм бўлган 17 дона тўғридан – тўғри шартномалар тузилган (автотранспорт воситаларини таъмирлаш ва уларга техник хизмат кўрсатиш, ҳисобга олиш мосламаларини қиёслаш, сульфат кислотаси ҳамда тиббий дори воситаларни харид қилиш ва бошқалар).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 16.06.2021 йилдаги ПФ-6247 сонли Фармони 1- илова 3-банди.

2023 йил 1 чорагида кимёвий реагентлар харид қилинди, шу жумладан техник туз – 5586 тн., сульфат кислотаси – 824,57 тн., ИОМС – 26,42 тн., мазут – 626,219 тн., КУ-2 (пьюролайт) – 20 тн.. 2023 йил 01.04. ҳолатига захира сульфат кислотаси 326,4 тоннани, ИОМС 9,146 тоннани, техник туз – 2344,249 тоннани, катионит – 20 тоннани ва мазут 2136,823 тоннани ташкил этмоқда.

Металл чиқиндиларини топшириш:

- кора металл – амалда 92,581 тонна ҳажмида топширилган
- рангли металл – режа бўйича 138 кг., амалда 143,95кг. ҳажмида топширилган.

Тузилган шартномаларни шартларига риоя қилиш бўйича назорат юритилмоқда. Дебитор қарздорлик мавжуд бўлган ҳолатларда қарздор корхоналарга эътирозномалар тақдим этилган (2023 йилнинг 1 чорагида жами 44 та эътирозномалар тақдим этилган, шу жумладан иссиқлик энергиясининг улгуржи харидор – қайта сотувчиси 5 таси «Veolia Energi Tashkent» ХК МЧЖга). Барчаси қониктирилган. Шунингдек «TOSHKENT ISSIQLIK MARKAZI» МЧЖ томонидан қуйидаги суд органларига аризалар тақдим этилган: туманлар аро судига – 2 ариза. Даво аризалари қаноатлантирилган.

7.Молиявий хўжалик фаолияти.

Молиявий ва бошқа турдаги ҳисоботлар жамиятнинг молиявий ҳолатини аниқ акс эттирмоқда ва тасдиқланган шаклларга мувофиқ белгиланган муддатларда тузилмоқда.

2. 2023йил 01.01. ҳолатига ишга туширилмаган асосий воситаларни реконструкция қилиш ва қайта жиҳозлаш бўйича капитал маблағларнинг қиймати 373 млн.сўмни ташкил қилган, 2023 йил 01.04 ҳолатига 610 млн.сўм. Мазкур объектлар бўйича ишлар якунланмаган, уларни бажарилиши бўйича асосий воситаларнинг қиймати ишга тушириш далолатномаси билан реконструкцияга йўналтирилган иш қийматига нисбатан оширилади.

3. «TOSHKENT ISSIQLIK MARKAZI» МЧЖ устав фонди 5 875 млн.сўмни ташкил этади.

4. Асосий воситаларни қайта баҳолашнинг захира капитали 2023 йил 01.01. ҳолатига 43 966 млн.сўмни ташкил этган, 2023 йил 01.04. ҳолатига 43 815 млн.сўмни ташкил этди.

5. 2023 йил 01.01. ҳолатига копланманагн зарар миқдори 27 445 млн.сўмни ташкил этди.

Кўрилган зарарнинг асосий сабаби муқаммал бўлмаган тариф сиёсати ҳисобланади. Асосий хом-ашё нархларини ошганлиги, иссиқлик энергиясининг амалдаги тарифи корхонанинг барча харажатларини копламайди. 2019 йил 1 октябрдан ҚҚС ставкаларини 20 фоиздан 15 фоизгача пасайтирилганлиги сабабли табиий газ ва эл.энергияси нархлари 4,3%га ва 2021 йил 24 январдан сув нархи 29%га ошган. Молиявий ҳолат ҳамда зарарларни мавжудлиги масаласи бўйича корхона томонидан бир неча маротаба юқори турувчи

ташкilotларга мурожаат йўлланган. Ўтказилган тахлиллардан сўнг «TOSHKENT ISSIQLIK MARKAZI» МЧЖга давлат кўмаги кўрсатилди, ҚҚС ставкасини пасайтирилганлиги ҳисобига 2021-2022 йилларда юзага келган зарарларни қоплаш учун маблағлар ажратилди.

Натижада ҚҚС ставкаларини пасайиши ҳисобига 2022 йилда қўшимча харажатлар – 14,8 млрд.сўмни, сув бўйича – 18,1 млрд.сўмни ташкил этди. Шу каби ҳолат 2023 йилда ҳам давом этмоқда. 2023 йил 01.01.дан ҚҚС на 12%гача пасайтирилди ва бу ҳолат нархларни энди 7,1%га пасайишига олиб келди. 2023 йил 1 чорагининг якуни бўйича ҚҚС бўйича зарар миқдори 17,9 млрд.сўмни, сув бўйича 3,2 млрд.сўмни ташкил этди, уларни қоплаш манбаси мавжуд эмас.

Иссиқлик энергиясининг тарифида газ, электр энергияси ва сув учун харажатларни улуши 88,7%, амалда 91-93% ташкил этади ва қўшимча харажатларни жамиятнинг ўз маблағлари ҳисобидан қоплаш имконияти мавжуд эмас.

2023 йил 1 апрель ҳолатига «TOSHKENT ISSIQLIK MARKAZI» МЧЖ молиявий натижаларини ҳисобга олган ҳолда, 2023 йил 1 чорак якуни бўйича (зарар 43 673 млн.сўм) қопланмаган зарар миқдори 71 118 млн сўмни ташкил этди.

6. 2023 йил 01.01 ҳолатига қисқа муддатли қарзлар мавжуд эмас, 2023 йил 01.04. ҳолатига 35 655 млн.сўм (электр энергияси, мазут ва иш хақи учун қарздорликларни тўлаш учун).

7. 2023 йилнинг 1 чорагида «TOSHKENT ISSIQLIK MARKAZI» МЧЖ учун бюджет маблағлари ажратилмаган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 16.06.2021 йилдаги ПФ-6247 сонли Фармони 1- илова 5-банди.

«TOSHKENT ISSIQLIK MARKAZI» МЧЖда давлат бюджети, давлат мақсадли жамғармалари ҳамда бюджет ташкilotларининг бюджетдан ташқари жамғармалари ҳисобига товарлар (ишлар, хизматлар)ни харид қилиниши режалаштирилмаябти.

8. 2023 йил 1 чорагида маҳсулотни сотишдан келиб тушган фойда ҚҚСсиз 307 694 млн.сўмни ташкил этди, шу жумладан иссиқлик энергиясини ишлаб чиқарилиши 307 342 млн.сўмни. Умумий харажатлар 351 569 млн.сўмни, шу жумладан ишлаб чиқариш таннари – 335 836 млн.сўмни, даврий харажатлар – 15 733 млн.сўмни ташкил этди.

Асосий фаолиятнинг бошқа турдаги фойдаси 202 млн.сўмни ташкил этди.

2023 йил 1 чорагининг якуни бўйича амалда «TOSHKENT ISSIQLIK MARKAZI» МЧЖ зарари, 2022 йил 1 чорагининг якуни бўйича олинган 12 716 млн.сўм миқдоридаги фойдага нисбатан 43 673 млн.сўмни ташкил этди. Бизнес – режани режалаштиришда якуний молиявий натижа 2023 йил 1 чорагининг якуни бўйича 1 601 млн.сўм миқдоридаги зарар билан режалаштирилган. Иссиқлик энергиясини узатилиш ҳажмини пасайиши 2023 йил 1 чорагининг якуни бўйича зарарни ошишига таъсир қилди.

9. 2023 йил 01.01. ҳолатига иссиқлик энергияси тарифи ҚҚСсиз 106500 сўм/Гкални ташкил этиб (2019 йил 15.08.да амалга киритилган). 2021-2023 йилларда асосий хом-ашё нархларининг ошганлиги туфайли корхонанинг барча харажатларини қопламайди.

Табиий газ, электр энергияси ва совуқ сувнинг тарифдаги улуши 88,7%ни ташкил этмоқда ва қўшимча харажатларни жамиятнинг ўз маблағлари ҳисобидан қоплаш имкони мавжуд эмас. Иссиқлик энергияси тарифларини қайта кўриб чиқмасдан ва нархларни фарқи сабабли юзага келган зарарни қоплаш ишларини амалга оширмасдан 2023 йил якунлари бўйича «TOSHKENT ISSIQLIK MARKAZI» МЧЖ фаолиятининг ижобий молиявий натижаларга эришиши мумкин эмас.

1 темир йўл вагонини ташиш тарифи ҚҚСсиз 46155 сўм/вагонни ташкил этмоқда.

10. Дебитор ва кредитор қарздорлиги.

Асосий хом – ашё нархини ўсиши ва иссиқлик энергиясининг тарифларни қайтадан кўриб чиқмаслик дебитор ва кредитор қарздорлигини ўсишига тўғридан - тўғри таъсир қилади ва жамият ишини барқарорсизлантиради ва ускуналарни ўз вақтида ҳамда тўлиқ ҳажмда тайёрлаш, шунингдек 2023-2024 й.й. иситиш мавсумини талофатларсиз ўтказиш

ишларини хавф остига қўймоқда. 2023 йил 1 апрель ҳолатига «TOSHKENT ISSIQLIK MARKAZI» МЧЖнинг жорий кредиторлик қарздорлиги дебиторлик қарздорлигидан 62,3 млрд.сўмга ошиб кетди, бу йўл қўйиб бўлмайдиган ҳолат бўлиб, жамиятнинг пул маблағларини етишмаслигини ва молиявий ҳолатини ёмонлашганлигини кўрсатмоқда.

2021 йил сентябр ойида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Тошкент шаҳри иссиқлик таъминоти тизимини давлат-хусусий шериклик асосида ривожлантириш тўғрисида»ги 594-сонли Қарори чиқарилган бўлиб, унга асосан «TOSHKENT ISSIQLIK MARKAZI» МЧЖга табиий газ, электр энергияси, иссиқлик энергияси, совук сув ва солиқ тўловлари бўйича 2021 йил 1 сентябрь ҳолатига кўра юзага келган қарздорлик тўловларини 5 йил муддатга кечиктириб тўлаш имконияти тақдим этилди.

Натижада:

«TOSHKENT ISSIQLIK MARKAZI» МЧЖнинг узок муддатли дебитор қарздорлиги 1 642 763 млн.сўмни ташкил этади.

2023 йил 1 апрель ҳолатига жамиятнинг жорий дебитор қарздорлиги 439 239 млн. сўмни ташкил этади ва йил бошига нисбатан (530 272 млн.сўм) 17,2%га пасайган. Муддати ўтган жорий қарздорлик 373 218 млн.сўмни ташкил этди.

Жамиятнинг асосий дебитори бўлиб «Toshissiqquvati» ДУК ҳисобланади, 2023 йил 1 апрель ҳолатига унинг қарздорлик миқдори (2022 йил 01.07.га қадар юзага келган) 373 070 млн.сўмни ва тўлов муддати узайтирилган қарздорлик 1 642 763 млн.сўм (98,5%)ни ташкил этади. «Veolia Energy Tashkent» ХК МЧЖ қарздорлиги 59 426 млн.сўмни ташкил этмоқда.

«TOSHKENT ISSIQLIK MARKAZI» МЧЖнинг бошқа узок муддатли кечиктирилган мажбуриятлари (кредитор қарздорлиги) 1 656 751 млн. сўмни ташкил этди.

2023 йил 1 апрель ҳолатига корхонанинг жорий кредитор қарздорлиги 501 568 млн. сўмни ташкил этади ва йил бошига нисбатан (596 163 млн.сўм) 15,9%га пасайган. Муддати ўтган қарздорлик 204 274 млн. сўмни ташкил этди.

Жамиятнинг асосий кредитори «Худудгазтаъминот» АЖ («Худудгаз Poynaxt» газ таъминоти филиали) ҳисобланади 2023 йил 1 апрель ҳолатига қарздорлик миқдори 455 760 млн.сўмни (90,9 %) ва тўлов муддати узайтирилган қарздорлик миқдори 1 632 707 млн. сўмни (96,7%), муддати ўтган жорий қарздорлик миқдори 204 74 млн.сўмни ташкил этди.

2023 йил 1 чорагида «Toshissiqquvati» ДУК ва «Veolia Energi Tashkent» МЧЖ ХК томонидан олинган иссиқлик энергияси учун пул маблағлари тушуми умумий ҳисобланган 344,2 млрд.сўмдан 436,1 млрд.сўмни (126,7%) ташкил этади. Натижада 2023 йил 1 чораги учун табиий газ хажми учун 251,5 млрд.сўм ҳисобланган ҳолда 357 млрд.сўм (141,9%) тўланган.

Жамият томонидан харажатларни қисқартириш ва энергоресурсларни иқтисод килиш, шунингдек дебитор ва кредитор қарздорликларини қисқартириш бўйича ишлар олиб борилмоқда, доимий тарзда дебиторларга эътирозномалар тақдим этилмоқда, маршрутли мақсадли молиялаштириш йўли билан қарздорликлар қисман тўланмоқда. Мустақил тарзда молиявий ҳолат масалаларини ҳал этиш имконига эга эмас.

Ҳозирги кунда TOSHKENT ISSIQLIK MARKAZI» МЧЖ молиявий ҳолати масаласини ҳал этиш учун қуйидаги масалаларни комплекс равишда кўриб чиқилиши талаб этилади:

1. Иссиқлик энергиясини ишлаб чиқариш учун талаб этиладиган барча харажатларини коповчи ва соф фойда таркибида модернизация ишларига сарфланишини кўзда тутувчи маблағларни ҳисобга олган, жамиятни барча харажатларини коповчи тарифни тасдиқлаш, ҳамда келгусида асосий хом ашёлар учун тарифлар оширилганда иссиқлик энергияси учун янги тарифларни бир вақтда киритиш.

2. Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетидан табиий газ, электр энергияси учун ҚҚС ставкаларини пасайтирилиши ҳисобига ва совуқ сувнинг оширилган тарифларини қўлланиши оқибатида 2021-2023 й.й. юзага келган қўшимча харажатларни (зарарни) коплаш учун субсидия ажратиш.

3. Жарима, ижро йигими, давлат божи ва кредиторлик қарздорликни пеняларидан келиб чиққан қўшимча зарарларни ҳисобдан чиқариш.

4. «TOSHKENT ISSIQLIK MARKAZI» МЧЖда истеъмол қилган асосий хом ашёлар

(табiiй газ, электр энергияси ва совук сув) учун тўловлар муддатини узайтириш бўйича асослантирувчи хужжат мавжудлигида, таъминотчи ташкилотлар томонидан дебитор қарздорликни ундириш бўйича суд органларига мурожаат этмаслик. Иситини мавсуми даврида МИБ томонидан иссиқлик таъминоти қорхоналари ҳисоб рақамларига банд қўймаслик.

8. Кадрлар ва иш ҳақи.

Жамоа шартномаси иш берувчи билан ходимлар ўртасидаги меҳнатга оид, ижтимоий-иқтисодий ва касбга оид муносабатларни тартибга солувчи маҳаллий норматив хужжат бўлиб ҳисобланади. Ходимлар билан меҳнат шартномасини тузиш жараёнида ЎзР МК бўйича ўрнатилган тартибга қатъий риоя қилинади. Қорхонанинг ташкилий тузилмаси тасдиқланган, штат жадвали сон меъёрлари ва Классификаторга мувофиқлаштирилган, ходимларнинг режадан ортиқ сони мавжуд эмас.

2023 йил 01.04. ҳолатига таркибий рўйхат сони 1224 кишини ташкил этди, 2023 йил 1 чорагида 23 нафар одам ишга қабул қилинган, 32 нафари ишдан бўшатишган. 2023 йил 01.04. ҳолатига ишчи – ходимлар сони 1216 нафарни ташкил этди. 2023 йил 1 чорагида кадрлар алмашинуви 2022 йилдаги 1,8%га нисбатан 2,5% ташкил этди, яъни 0,7% га юқори.

2023 йилнинг 1 чорагида иш ҳақи фонди 18 735 млн.сўмни ташкил этди.

«Toshkent issiqlik markazi» ДУК масъулияти чекланган жамиятга айлантирилганлиги муносабати билан, «TOSHKENT ISSIQLIK MARKAZI» МЧЖ ягона таъсисчиси - «Иссиқлик электр стансиялари» АЖ 2023 йил 7 мартдаги 91-сонли буйруғини ижросини таъминлаш мақсадида, ишчи – ходимларни даромадларини ошириш, ижтимоий ҳимоясини кучайтириш, шунингдек меҳнатга ҳақ тўлаш тизимини ва жамият ишчи – ходимларини моддий рағбатлантириш тизимини «Иссиқлик электр стансиялари» АЖ меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича ўрнатилган тартибга мувофиқлаштирилди.

Иш ҳақининг тўлови касса орқали нақд пул маблағлари ва пластик карталари орқали амалга оширилади. Ойлик иш ҳақини тўлаш бўйича муддати ўтган қарздорлик мавжуд эмас.

9. Меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги.

Ҳар йили касаба уюшмаси билан биргаликда меҳнат муҳофазаси бўйича чора – тадбирлар ишлаб чиқилади, қорхона бўлинмаларида хавфсизлик ва гигиена талабларига жавоб берадиган меҳнат шароитлари яратилади.

2023 йил 1 чорагида «TOSHKENT ISSIQLIK MARKAZI» МЧЖ объектларида бахтсиз ҳодисалар содир бўлмади. 2023 йил 1 чорагида шикастланишни олдини олиш мақсадида «TOSHKENT ISSIQLIK MARKAZI» МЧЖ объектларида, тасдиқланган жадвалга мувофиқ 3 маротаба "Техника хавфсизлиги куни" ўтказилди, мазкур тадбирларни ўтказиш давомида ТХҚ, ТЭҚ ва ЁХҚ бўйича қатор хатоликлар ва оғишлар аниқланди ва бартараф этилди. Барча янги ишга қабул қилинувчилар, шунингдек бошқа ишга ўтказилаётганлар учун ММ, ТХ ва ЁХ бўйича кириш йўриқномаси ўтказилади, 2023 йил 1 чорагида жами 27 нафар ходимга, шу жумладан МТХ-3 нафар, ишчилар – 24 нафар.

2023 йил 1 чорагининг якуни бўйича «TOSHKENT ISSIQLIK MARKAZI» МЧЖ объектларида I – даражали ўчишлар содир бўлмади, II-даражали ўчишлар 6 та, шу жумладан тезкор ишчи – ходимлар айби билан 4 та ўчишлар, бошқа ташкилотлар («Toshkent shahar ETK» АЖ) айби билан – 2 та. Содир бўлган бузилишлар бўйича тафтиш ишлари ўтказилди, ускуналар иш режимини бузилишига олиб келган сабаблар кўрсатиб ўтилди ва келгусида шу каби бузилишларга йўл қўймаслик бўйича тадбирлар белгилаб олинди. Тафтиш далолатномалари билан белгилаб берилган барча тадбирлар бажарилди. Ускуналар ишида бузилишларга йўл қўйган шахслар жазоландилар.

Режага мувофиқ Жамиятнинг бўлинмаларида ишчи – ходимларнинг билимлари текширувдан ўтказилди, шунингдек аварияга ҳамда ёнғинга қарши машғулотлар ўтказилди.

2023 йил 1 чорагида ўт чиқиш ҳолатлари содир бўлмади. Барча объектларда ёнғинга қарши сув таъминоти мавжуд, барча объектлар ўт ўчиришни бирламчи воситалари билан таъминланган, кириш йўлаклари, бино ва иншоотларга кириш жойлари ЁХҚ меъёрлари талабларига мувофиқ. Ёниш хавфи мавжуд бўлган материаллар ЁХҚ талабларига мувофиқ сақланмоқда.

10. Ижро интизоми

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 12 январдаги 12-сонли «Ижро интизомини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ ҳамда ижросини таъминлаш мақсадида.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 10 февралдаги ПФ-6166-сонли «Қонунчилик ҳужжатлари ижросини самарали ташкил этишда давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларининг шахсий жавобгарлигини кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармониغا мувофиқ Жамиятда 2021 йил 25 февралда «Ижро интизомини мустаҳкамлаш тўғрисида»ги 56-сонли директор буйруғи чиқарилди. Мазкур буйруқ билан норматив ва раҳбарий ҳужжатларни, жисмоний ва юридик шахсларнинг муурожаатларини ўз вақтида кўриб чиқиш ва ижро этилишини назорат қилиш учун доимий – ҳаракатдаги ишчи комиссия тасдиқланди, шунингдек жамиятда ҳужжатлар билан ишлашни ташкиллаштириш ва ижро интизоми ҳолатини мониторинг қилиш тартиби ҳамда қонунчилик ҳужжатларини ижро этиш бўйича чора-тадбирлар режаси тасдиқланди, ишчи гуруҳнинг ҳар бир аъзосини шахсий жавобгарлиги белгиланди.

2023 йилнинг 1 чорагида «TOSHKENT ISSIQLIK MARKAZI» МЧЖ манзилига 222 донга ҳужжат келиб тушди, шу жумладан 70та ҳужжат юқори турувчи ташкилотлардан («ISSIQLIK ELEKTR STANSIYALARI» АЖ, ҳокимият) ва 4 донаси фуқаролар муурожаати. Барча ҳужжатлар расмийлаштирилмоқда ва қатъий эътиборга олинади. Келиб тушган ҳужжатлар, расмийлаштирилгандан сўнг оператив тарзда раҳбарга етказилади. Ижро назорати юклатилган раҳбарга ҳужжатларнинг бажарилиши бўйича тўлиқ ҳажмда жавобгарлик юклатилади. Раҳбарий ҳужжатлар раҳбар ходимлар иштирокидаги режалаштириш бўйича йиғилишларда кўриб чиқилмоқда.

Ижро интизоми тўғрисидаги ҳисобот мунтазам равишда жамият директоринга ва «ISSIQLIK ELEKTR STANSIYALARI» АЖ га тақдим этилади.

2023 йил 1 чорагининг якуни, жамиятда иссиқлик энергиясини ишлаб чиқариш харажатларини камайитириш, хом-ашё, реагентлар ва энергоэлитувчилардан оқиллона фойдаланиш бўйича ишларни амалга оширилаётганини далолат бермоқда. Мураккаб молиявий ҳолатга қарамасдан 2022-2023 й.й. иситиш мавсуми талофатларсиз ўтказилди, «TOSHKENT ISSIQLIK MARKAZI» МЧЖ иссиқлик марказларни 2023-2024 й.й. иситиш мавсумига тайёрлаш ишлари бошлаб юборилди.

Тошкент шаҳри истеъмолчиларини иссиқлик энергияси билан таъминлаш шартномасига асосан, улгуржи харидор – қайта сотувчи «Veolia Energi Tashkent» ХК МЧЖ томонидан, газ босимини ҳисобга олган ҳолда, қатъий топширилган параметрларга мувофиқ амалга оширилмоқда. Иссиқлик энергиясини узлуксиз узатиш, иссиқлик энергияси тарифини қайта кўриб чиқиш, дебитор ва кредитор қарздорликни ва сарф-харажатларни қисқартириш, энергоресурслар иқтисоди бўйича чора-тадбирларини амалга ошириш мақсадида зарур ишлар давом этирилади. Иссиқлик энергиясини ишлаб чиқаришда меъёрдан ортиқ йўқотишлар мавжуд эмас. Лекин молиявий ҳолат, пул маблағларининг мавжудлиги, иссиқлик энергияси тарифини қайта кўриб чиқилиши мураккаб масала бўлиб қолмоқда, мазкур масала Тошкент шаҳар иссиқлик таъминоти тизимида комплекс тарзда ҳал этилиши лозим, Жамият мустақил тарзда ушбу масалани ечиш имкониятига эга эмас.

Директор



Ш.Р.Султонов